ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

Meros

№ 1/2023

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” асарининг ўрганилиши ҳақида 3
Абдухалимов Б. Формуляры записей о разделе наследства из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 16
Каримов Ш. Хондамирнинг “Дастур ал-вузаро” асарида Ғазнавийлар давлати вазирлари ҳақида 27
Файзуллаев Ф. Мовароуннаҳрда Шайбонийларнинг ҳокимият тепасига келишига доир айрим мулоҳазалар 36

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Раджабова Д. Тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш (XIX аср охири рус шарқшунослиги ва XXI аср бошларидаги ўзбек манбашунослигидаги қарашлар) 49
Пуговкина О. Правовой статус «бывших людей» в советских конституциях ТАССР – УзССР (1918-1937 гг.) 61
Тошев С. Турк тилидаги тадқиқотларда мустақил Ўзбекистон тарихининг ёритилиши..... 74

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Исматова Н. Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари 84

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Миркомилов Э. Шоҳрух Мирзо даврида Темурийлар давлатининг Миср билан дипломатик алоқалари 99

Разаков Ф. Англо-турецкое сотрудничество по противодействию экспансии России в Кокандском ханстве и в Восточном Туркестане (1860–1878гг.) 109

ИСЛОМ ВА ТАСАВВУФ

Таниева Г. XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаж сафарларининг халқлар маданий-маърифий ҳаётига таъсири 128

Разакова М. Одина Хоразмийнинг тасаввуфдаги баъзи истилоҳларга шарҳи 137

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н. Сведения “Мин шилу” о торгово-посольских связях Китая и государств Центральной Азии в XIV–XV вв. 146

Алимова Л. Трансформация семейных отношений в Южнокорейском обществе в конце XX века 158

Акрамова Ш. Межгосударственное сотрудничество Республики Узбекистан и КНР 168

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 2 июндаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

20.09.2022 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Н. Исматова

Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари

Асрлар давомида шаклланган вақф мулкчилиги XIX аср ўрталарида минтақадаги мустақил давлатлар сифатида мавжуд бўлган учала хонликнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига чуқур кириб, мулкчиликнинг энг муҳим турларидан бирига айланиб улгурган эди. 1868 йилда Россия империяси томонидан Бухоро амирлигининг босиб олиниб, “протекторат”, яъни қарам давлатга айлантирилиши анъанавий мулкчилик тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шу боис, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вақф мулкчилиги ҳолати унинг Россия империяси протектората сифатидаги сиёсий мақоми, ижтимоий-иқтисодий вазият ва юз берган ўзгаришлар билан бевосита боғлиқдир. Икки томон ўртасида имзоланган 12 банддан иборат сулҳ шартномасига кўра, амирнинг ташқи сиёсатдаги ваколатлари чекланиши билан бирга, унинг зиммасига юкланган 125 минг тилла миқдорида товон пули ҳамда амирлик таркибидаги Жиззах, Хўжанд, Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги, яъни деҳқончилик учун қулай бўлган ерларнинг қўлдан бой берилиши Бухоро иқтисодиёти учун катта йўқотиш бўлди [18: 12].

1873 йил 23 сентябрда қайта янгиланган битим эса, Россиянинг Бухоро амирлиги устидаги ҳуқуқларини янада кенгайтиришга хизмат қилди [29: 5–7]. Россия империясининг амирлик устидан назорати кучайиб, қабул қилинган қўшимча қонун-қоидалар билан мустаҳ-камланиб борди [26: 3–5].

Россия империяси амирликда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий, ҳарбий-стратегик мақсадларни кўзлаган ҳолда кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган. Хусусан, Туркистон генерал-губернатори талаби билан амирлик ҳудудида “Россия императори сиёсий агентлиги”нинг таъсис этилиши, Бухоро иқтисодиётига рус капиталининг кириб келиши, Бухоро қишлоқ хўжалигининг Россия саноати учун хом ашё етказиб берувчи сифатида ихтисослашуви [21:196–231] шулар жумласидандир.

Россия империясида тўқимачилик саноатининг ривожланиб бориши туфайли пахта хом-ашёсига бўлган талабни мустамлака ҳудудлар ҳисобига қондириш мақсадида Бухоро амирлигининг қишлоқ хўжалиги ҳам тўлалигича империя манфаатларига хизмат қилиши кўзда тутила бошланган [21: 222]. Оқибатда, катта ҳажмдаги ер майдонлари пахта экишга мослаштириб борилган. Бу эса, бевосита вақфга бериладиган ерлар ҳажмини қисқаришига олиб келган омиллардан бири саналади. Чунки ушбу даврларда асосан 2–8 таноб[1] ҳажм оралиғидаги ерлар вақфга берилганини мавжуд тарихий ҳужжатлар орқали кузатиш мумкин. Хусусан, бу даврларда майда ер мулкчилиги ривожланганини кузатиш мумкин.

1888 йилда Россия-Бухоро ҳукуматлари ўртасида қабул қилинган ва Россия манфаатларини кўзлаган қўшимча қоидалар орқали ерларни хусусийлаштиришга чекловлар қўйилди. Эндиликда амирлик фуқароларига қўриқ ерларни ўзлаштириш жараёнидан сиёсий агентликни хабардор этиш мажбурияти юклатилган эди. Ҳар бир киши учун муайян ҳажмдан ортиқ ерларни сотиш тақиқланди. Жумладан, маҳсулот сақланадиган омбор учун 750 дан 1500 квадрат саржингача[2], турар-жой учун 300 дан 750 квадрат саржингача, бозор растаси учун 5 дан 15 квадрат саржинга тенг бўлган ҳажмдаги ерларни олишга ижозат берилди. Аксинча, Россия фуқароларининг имтиёзлари кенгайтирилиб, улар сиёсий агентлик рухсати билан амирлик ҳудудидан ер сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар [26: 3–4].

[1] Таноб – Ўрта Осиёда кенг тарқалган ер ўлчови бирлиги ҳисобланиб, ҳудудларга кўра турлича бўлган. Бухоро, Самарқанд ва умуман Зарафшон водийсида таноб 625 кв. сажен = 2845,1562 кв.м. га тенг бўлган [9: 129].

[2] Саржин - Россияда 1918 йилга қадар қўлланилган ўлчов бирлиги бўлиб, 3 газ ёки 2136 м.га тенг [24:515].

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, империянинг минтақани иқтисодий қарам қилишга қаратилган сиёсати, шунингдек, 1917 йилги воқеалар мамлакатни иқтисодий тангликка, оқибатда эса нарх-навонинг кўтарилишига олиб келди. Тарихчи Мирзо Салимбек (1848–1930) амирликда 1893 йилларда бир манн буғдойнинг нархи 11–12 танга бўлса, 1917 йилга келиб 10 минг, айрим вилоятларида эса, 13–14 минг тангагача кўтарилганини ёзиб қолдирган [13: 101–102]. Бу ҳолат бевосита ерлар мисолида ҳам кўзга ташланади. Масалан, 1910 йилга оид олди-сотди ҳужжатида 4 таноб ер 4 минг тангага сотилган бўлса [30], 1917 йилга оид ҳужжатда мазкур маблағга 1 ярим таноб ер харид қилингани қайд этилган [31]. Таъкидлаш жоизки, ерлар жойлашган ҳудуд, иқлим сингари омиллар ҳам нарх-навони белгилашда аҳамият касб этади. Бироқ юқорида қайд этилган ерлар жойлашувига кўра, деярли бир хил шароитда бўлиб, бу ўринда нархлар қиймати орасидаги фарқ ўша давр ер баҳосининг ошиб кетгани билан белгиланади.

Юқорида келтирилган ҳолатлар табиийки, амирликда катта миқдордаги ерлар вақф қилинишининг камайишига ҳам таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлган. Демак, протекторат тизими амирликнинг маъмурий бошқаруви, иқтисодиёти, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ равишда вақф мулкчилигига ҳам ўз таъсирини кўрсатган эди.

Бухоро амирлиги кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакат бўлиб, унинг иқтисодиёти негизини сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ташкил этар, бунда вақф ерларининг ҳам ҳиссаси катта эди. Амирлик суғориш тизимининг асосий манбаи бўлган Зарафшон дарёсидан 142 та магистрал канал бош олиб, шундан 99 таси Самарқанд воҳасини ҳамда 43 таси Бухоро воҳасини суғорар эди. Мавжуд маълумотларга кўра, XIX асрнинг 70-йилларида суғориладиган ерларнинг умумий ҳажми 289174,2 десятина[1] бўлган [14: 202]. Россия босқинидан сўнг Зарафшон дарёсидан фойдаланиш Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ихтиёрига ўтиши, сувнинг вақтида берилмай тўсиб қўйилиши амирлик қишлоқ хўжалиги учун катта зарар келтирган [4:94]. Оқибатда кўп экин ерлари қуриб қолиб, ҳосилнинг камайиб кетишига олиб келган. Мазкур ерлар орасида вақф ерларининг

[1] Десятина – Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови бўлиб, 2400 кв. саржин ёки 1б09 га. га тенг [23: 267].

ҳам бўлганлиги ҳисобга олинса, табиийки, ўлкада содир бўлган сиёсий ўзгаришларнинг амирлик вақф мулкчилиги тизимига жиддий таъсир этганлиги яққол кўзга ташланади. Амирлик ҳукумати томонидан билдирилган эътирозлар, узоқ давом этган ўзаро муҳокамалардан сўнг 1894 йилда сувни икки тарафга бериш тўғрисида ўзаро келишув битими имзоланган. Бироқ Самарқанддаги рус маъмурияти бунга амал қилмай, Бухорони иқтисодий жиҳатдан тобеъ қилишда давом этган [21: 197]. 1900 йилларга келиб сув тақсимоти маълум бир маънода ижобий ҳал этилган, аммо бу келишув ҳам аслида империя ҳукуматининг амирлик ҳудудида пахтачиликни ривожлантириш мақсадига қаратилган эди.

Ўз ўрнида Самарқанд, Жиззах, Хўжанд, Ўратепа сингари йирик ҳудудларнинг амирлик тасарруфидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига ўтиши вақф муассасаларига тегишли мулклар ҳамда уларнинг даромад ва харажатлари масаласида ҳам жиддий муаммоларни келтириб чиқарган. Россия империяси ҳукумати томонидан мазкур ҳудудларнинг вақф муассасалари, уларнинг жойлашган ўрни, олинадиган даромад ва унинг тақсимоти бўйича махсус дастур ҳам ишлаб чиқилиб, керакли маълумотлар тўпланган [8: 97–98]. Қайд этиш жоизки, губернаторлик тасарруфига ўтиб кетган ҳудудлардаги вақф муассасалари (масжид, мадраса, мозорлар)нинг мулклари (ер-сув, савдо расталари, дўконлар ва ҳкз.) амирлик таркибида қолган ва аксинча, Бухородаги кўпгина вақф идораларининг мулклари мустамлака ҳукумати қўлига ўтган эди. Истилога қадар шариат қоидаларига кўра, вақф муассасаси ораликдаги масофадан қатъий назар, ўзига тегишли бўлган мулкка тўғридан-тўғри эгалик қилган. Лекин Россия империяси билан тузилган шартномадан сўнг асрлар давомида амал қилиб келинган “муқаддас ва дахлсиз мулк” тушунчаси ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Яъни Бухоронинг қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлари ўзларига тегишли мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган ва аксинча, губернаторлик ҳисобига ўтиб кетган кўплаб вақф муассасаларининг Бухородаги хусусий мулклари бошқарувсиз қолганлиги боис давлат (амирлик) мулкига айлантирилган. Буни тасдиқловчи ҳужжатлар Зарафшон музофоти девонхонасида кўплаб сақланиб қолган [28: 1–14]. Жумладан, Бухоро вақф муассасаларининг Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига ўтган Каттақўрғон бўлими, Қиличобод тумани амлокдорининг рус ҳукуматига топширган 1870 йил 15 ноябрдаги

билдиришномасида Бухоро амирлиги тасарруфидаги вақф муассасаларининг мазкур туманга қарашли Чакалак қишлоғидаги мулкларидан 7 пуд[1] 10 қадоқ[2] кунжутдан ҳар бир ботмон[3] учун 3 рубль 60 копейка, жами 12 рубль 32 танга миқдорида харож солиғи олингани қайд этилган [28: 7]. Албатта, харожнинг давлат хазинасига тушадиган асосий солиқ эканлиги ҳисобга олинса, ҳудудий жиҳатдан амирлик тасарруфидаги вақф муассасаси мулкларидан келадиган даромад ҳам губернаторлик фойдасига ўтганлиги хусусидаги мулоҳазани билдириш мумкин. Ушбу ҳолат юзасидан фикр билдирган В. Вяткиннинг (1869–1932) қайд этишича, вақф муассасаси қаерда жойлашганидан қатъий назар, унга тегишли мулкдан олинадиган солиқ ҳам, даромад ҳам мулкнинг қайси давлат тасарруфида эканлигига боғлиқ бўлган. Жумладан, губернаторлик таркибига ўтиб кетган Самарқанддаги Хожа Аҳрор мозорининг кўплаб вақф ерлари амирликнинг Қарши беклигида жойлашган бўлиб, 1869 йилда у ерга ташриф буюрган ва эндиликда расман рус ҳукумати вакиллари ҳисобланган мутаваллиларга вақф даромадларини йиғишга рухсат берилмаган. Ўз навбатида, рус ҳукумати ҳам бухоролик мутаваллиларга ҳам Зарафшон музофоти ҳудудидаги вақф фойдаларини олишга ижозат бермаган [8: 107].

1884 йилда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом” лойиҳаси ишлаб чиқарилар экан, минтақада доимо муҳим бўлиб келган вақф масаласига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, граф Игнатьев бошчилигидаги лойиҳа иштирокчиларининг йиғилишида Бухородаги диний-маърифий муассасаларнинг Зарафшон музофотида жойлашган вақфларига оид фикрлар ҳам ўрин эгаллаганлиги аҳамиятлидир. Маълумотларда келтирилишича, ушбу муассасаларнинг вақф мулкларидан келадиган даромад Туркистон ўлкаси бошлиғи фармойишига биноан давлат [Туркистон генерал-губернаторлиги назарда тутилмоқда] хазинасига йўналтирилган бўлган [15: 130–131].

[1] Пуд – 16,38 кг.га тенг оғирлик ўлчови бирлиги [9: 100].

[2] Қадоқ – оғирлик ўлчов бирлиги ҳисобланиб, XIX асрда Самарқанд ҳамда Каттақўрғонда бир қадоқ – бир фунт, яъни 409,512 граммга тенг бўлган [9: 83].

[3] Ботмон ёки манн – ўлчов бирлиги бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудида ер юзасини ўлчашда ишлатилиб, маълум бир оғирликдаги дон экиладиган ер назарда тутилган. Бухорода XVI – XVII асрларда кичик манн 8 пудлик (131, 044 кг) ва катта манн 16 пудлик (262, 088 кг) ўлчов пайдо бўлган. XIX аср бошларига келиб, 16 пудлик катта манн ўлчов бирлиги сифатида истеъмолдан чиққан [9: 85–89].

Албатта, бундай ҳолатлар икки томон ўртасида кўплаб келишмовчилик ва норозиликларни келтириб чиқарган. Шу жиҳатдан, мустамлака қилинган ҳудудда мавжуд бўлиб келган анъанавий тартиб-қоидалар билан тўқнаш келган рус ҳукумати анчагина жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиши лозим эди. Бу борада Туркистон генерал-губернаторлиги аввало, ўзининг тасарруфидаги ҳудуд вақф тизимини тадқиқ этиб, тегишли тартибда ислоҳотлар ўтказишга ҳаракат қилган ва бу жараёнлар бевосита ҳамда билвосита амирликда ҳам акс-садо берган эди. Қайд этиш лозимки, Россия империяси Туркистон ҳудудини мустамлакага айлантиргандан сўнг ҳар соҳада мустаҳкам бошқарувни ўрнатишга, мулкларни тасарруф этишга ҳаракат қилган. Мазкур ҳолат ўз навбатида ўлкани ҳар томонлама – ижтимоий-иқтисодий, жўғрофий ва маданий жиҳатдан чуқурроқ ўрганишни талаб этар эди. Бу борада ташкил этилган чора-тадбирлар, хусусан, империя ҳукумати маъмурияти томонидан уюштирилган махсус экспедициялар ва юришлар [22: 77–124] натижасида қўлга киритилган нодир материаллар босиб олинган ҳудуд хусусида атрофлича маълумотлар олиш имконини берган.

Империя маъмурияти олдида минтақада бир неча асрлардан бери шаклланиб келган ва бевосита ер ҳамда иқтисодий имкониятлар билан боғлиқ бўлган вақф мулкчилиги тадқиқ қилиниши зарур бўлган муҳим масалалардан бири сифатида турар эди. Таъкидлаш лозимки, Туркистондаги ер ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш Россия империяси манфаатларини кўзлаб амалга оширилган эди. 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман (1818–1882) томонидан ташкил қилинган махсус комиссия олдида а) ерлардаги эгалик ҳуқуқи; б) мулки ҳурр[1] ва мулки хайри ҳурнинг маъноси; в) вақфнинг моҳияти сингари саволларга ойдинлик киритиш вазифаси қўйилган эди [16: 42–43].

Юқоридаги масалаларга Россия ҳукумати империя манфаатларидан келиб чиққан ҳолда вақфларни назоратга олишда, улардан хазина ҳисобига солиқ солиш каби жиҳатдан ёндашди. Россия ҳукуматининг вақф мулкчилигини тўла тушуниб етмаганликлари, қолаверса, рус сиёсатчилари орасида бу масалада якдиллик йўқлиги, ўша даврларда амалда бўлган шариат қонун-қоидаларига беписандлик вақф соҳасига

[1] Мулки ҳурри холис (мулки ҳурр) – солиқлардан озод ер [19: 237–242].

нисбатан адолатли сиёсат олиб бориш имконини бермади. Ҳаттоки, империя ҳукуматининг айрим маъмурлари томонидан вақфларнинг мусодара қилиниш ҳолатлари ҳам учраганлиги мавжуд маълумотларда қайд этилган. Буни ўз даврида В.В. Бартольд (1869–1930) ҳам қоралаб, давлат томонидан мусодара қилиниши вақфларнинг дахлсизлик мақомига зид эканлигини таъкидлаган [5: 314–315].

Россиянинг вақфларни назоратга олишга ундаган сабаблардан яна бири жамиятда катта таъсир кучига эга бўлган диний уламолар, тариқат вакиллари, саидлар ва хожаларни мавқеини заифлаштириш, бу орқали ислом динига путур етказиш эди. Зеро, мазкур шахслар тасарруфида катта ҳажмдаги вақф мулклари бўлиб, мустамлакачилар мусулмон руҳонийларини иқтисодий қудратини заифлаштириш орқали уларнинг таъсир доирасини йўқотиш ва шу орқали бўйсундиришга ҳаракат қилганлар [12].

1870–1880 йилларда рус маъмурлари орасида Туркистонда вақфларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай бўлиши кераклиги хусусида турли баҳс-мунозаралар ўрин эгаллаган эди [1: 165]. Кейинчалик, аниқроғи XIX асрнинг 90-йилларидан вақф соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида Туркистон генерал-губернаторлигида вақфларни тафтиш қилиш бошланади [1: 163–191; 15: 41–47]. Вақфларнинг ҳуқуқий ҳолати бўйича рус сиёсатчилари орасида кечган баҳс-мунозара, тушунмовчиликлар мазкур жараённи бир неча йилларга чўзиб юборди. Охир-оқибатда ўлка маъмурияти боши берк кўчага кириб, вақф иши 1917 йилга қадар ўз ечимини топа олмайди.

Шу ўринда Туркистонда кечган вақфларни текшириш ишларининг амирликка таъсири борасидаги савол пайдо бўлади. Албатта, империянинг бутун минтақадаги вақфларни ўрганиши унинг амирликда ҳам вақфларни ислоҳ қилиш фикри бўлганлиги хусусидаги мулоҳазага асос бўлади. Зеро, рус маъмуриятига оид ҳужжатлар империянинг бутун амирлик ҳудудини тўла мустамлакага айлантириш фикри бўлганлигини асослайди. Масалан, Туркистон ҳарбий музофоти таркибидаги 1-Туркистон армия корпуси бошлиғи номига ёзилган ҳисоботда бошқа соҳалар сингари вақф мулкчилиги, вақф ерларининг солиғига оид маълумотлар тақдим этилган [25: 112–114]. Бироқ Бухоронинг протекторат мақомидаги давлат бўлганлиги, қолаверса, диний уламоларнинг жамиятдаги таъсирининг катталиги империя

ҳукуматига бу ишни бирданига амалга оширишига йўл бермас эди.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги тарихий жараёнлар жуда кенг қамровли бўлиб, бу даврда мусулмон мамлакатлари ҳаётида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, тарқаққийпарварлик ҳаракатлари ҳам амирликдаги барча соҳаларга таъсир кўрсатмай қолмади. Анчагина ислоҳотпарвар, янги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳукмдорлардан ҳисобланган Амир Абдулаҳадхон (1859–1910; ҳукмронлик йиллари 1885–1910) даврида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, амир мамлакатдаги суд-ҳуқуқ тизимини тартибга солишга, жамиятдаги мавжуд иллатларни бартараф этишга ҳаракат қилди. 1888 йилда Бухоро амирлиги ҳудудида Россия ҳарбий ишлари вазирлиги тарафидан Чоржўйдан Самарқандгача бўлган масофада темир йўл қурилди [17: 36]. Бу ҳолат бевосита вақф тизими нуқтаи назаридан қаралганда айрим жиҳатлари яққолроқ намоён бўлади. Темир йўл Янги Бухоро – Когон шаҳридан ўтган бўлиб, 1901 йилга оид тарихий ҳужжатда темир йўл Шайх Сайфиддин Бохарзий[1] мақбарасига тегишли вақф ерларидан ҳам ўтиши ҳисобига ушбу ерлар давлат мулки ҳисобига олиниб, ўрнига мамлакайи султония ерлари ажратилиши кўзда тутилганлиги қайд этилган [32].

Абдулаҳадхон мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимига ҳам эътибор қаратар экан, унинг ҳомийлиги остида замонавий шифохона ҳамда дорихона ҳам фаолият юритади [10: 106–117]. Хусусан, 1906 йилда қайд этилган ҳужжатда амир Бухоро шаҳрида жойлашган бир неча дўконлар қатори дорихонани мақсурахон қориларга вақф қилгани хусусидаги маълумотларни келтириш мумкин[2].

Ҳукмронлигини отаси сингари мамлакатда ислоҳотчилик ишлари билан бошлаган Амир Саййид Олимхон (1880–1944; ҳукмронлик йиллари 1910–1920) даврида ҳам вақф соҳаси эътибордан четда қолмаган. Амир томонидан 1911 йилда имзоланган “Таълим тўғрисида”ги фармонда давлат хазинасига олинган вақфлардан шаҳарнинг турли ерларида мактаблар барпо этишга кўрсатма берилган [11: 41]. Шу хусусда матбуотда қуйидаги маълумотларни

[1] Вақф ҳужжатида “шайх ул-олам” унвони билан эътироф этилган.

[2] Ушбу вақф Амир Абдулаҳадхоннинг вафот этган қиз фарзанди Маъсумапошша қабри мақсурахонларига таъсис этилган. Қабр Қарши вилоятидаги мозорда жойлашган [33].

учратишимиз мумкин: “... *Бухорода 140 адад мактаб бўлуб, ул мактабларни[нг] баъзиларида уч ёки тўрт нафар шогирд болалар бўлуб ва ҳар қайси маҳалла масжидида бир ададдин мактаб бўлгон сабабдин бир неча мактабни жамъ қилмоқликка муқаррар қилибдурлар ва ҳам мактаблар вақф ақчасидин бино бўлуб туруб, баъзи вақф ақчалари кифоя қилмагон сабабдин жаноби оли амири Бухоро ҳазратлари олтмиш тилло даромад бўлмойдургон вақфликни мактабхоналарга харажат бермақлик фармойиш қилибдурлар*” [6].

Мавжуд маълумотлар Амир Олимхон ҳукмронлигининг 1916 йилгача бўлган даврида мамлакатни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилганини кўрсатади. Ҳукмдор томонидан солиқ соҳаси тартибга солинди, таълим тизими ислоҳ қилинди, бекликлардаги ободонлаштириш ишларига эътибор қаратилди [10: 66]. Амир Олимхон қурдирган мадраса хусусида унинг хотираларида қуйидагича маълумотларни учратиш мумкин: “*Бухоро минорасининг паст томонидан бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дорул-улум – Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим. Ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийим кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказдирардим*” [3: 5].

Табиийки, амалга оширилган ишлар Россия империяси маъмурияти эътиборидан четда қолмаган эди. Хусусан, 1913 йилдаги рус маъмурлари ўртасидаги ўзаро махфий ёзишмада амир томонидан солиқлар камайтирилгани, ҳарбий соҳа тартибга солиниб, ҳарбийларга мунтазам ҳақ тўлаб келинаётгани, шу жиҳатдан, Бухоро аҳолиси ўз амирларига нисбатан хайрихоҳ эканликлари қайд этилган эди [27: 1].

Амир Олимхоннинг 1917 йилдан кейинги фаолияти минтақада рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар таъсирида ўзгариб, у асосан жамиятни тубдан ислоҳ қилишга интилаётган гуруҳларга қарши курашлар олиб борганлиги билан характерланади. Табиийки, ушбу даврларда бутун дунёда содир бўлаётган маърифатпарварлик ва инқилобий ҳаракатлар Туркистон, хусусан, Бухоро амирлигига ҳам таъсир кўрсатмай қолмас эди. XX аср бошларида ташкил топган “Ёш бухороликлар” гуруҳи амирлик бошқарув тизимида ўзгариш қилиш талабини қўйиб, бунга астойдил саъй-ҳаракат қиладилар. Ўз

қўмиталарини тузган бухоролик жадидлар Россиядаги янги муваққат ҳукуматидан амирликда ислоҳот ўтказилишини сўраб мурожаатнома ёзадилар. Мазкур мурожаатномага жавоб тариқасида Санкт-Петербургдан Россиянинг Бухородаги сиёсий резиденти ҳамда амир номига телеграмма юборилиб, унда ислоҳотларни амалга ошириш учун фармон қабул қилишга чақирилган эди. Амир томонидан имзоланган фармонда мамлакатни шариат қоидалари асосида адолатли бошқариш, мамлакат солиқ тизимини тартибга солиш, илм-фанни ривожлантириш каби масалалар кўтарилган эди [10: 106–107].

“Ёш бухороликлар” томонидан улар ҳаракатининг мақсад ва вазифалари акс этган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилади. Гарчи лойиҳада режалаштирилган ислоҳотлар амалга оширилмаган бўлса-да, унда қайд этилган масалалар бир тарафдан жадидларнинг мамлакатдаги муаммоларга нисбатан қарашларини ифодалайди. Бошқа томондан эса, амирлик ижтимоий-иқтисодий ҳолати хусусида янада кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Юқорида қайд этилганидек, Бухоро қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакат бўлгани учун бухоролик жадидлар ер-сув ва ундан фойдаланиш, мулкий муносабатлар масаласига катта эътибор қаратадилар. Хусусан, улар Бухоро ерларининг сувга эҳтиёжи кўплиги сабабли бу билан боғлиқ муаммони бартараф этиш чораларини, хусусан, Зарафшондан бошқа бир дарёдан сув келтиришни ҳам таклиф этадилар: “*... Экин ерларимиз сувсиз қолар. Бунинг йўлларини охтормак ҳукуматга фарздир. Бунинг чораси: Зарафшондан бошқа бир дарёдан сув келтирмакдир. Хазинадан оқча берилсун. Амударёдан Бухороға сув очилсун. Бухоро сувсизлиқ балосиндан қутқорилсун...*” [7: 14–15].

Ёш бухороликларнинг мамлакат иқтисодий-сиёсий ислоҳотлари доирасида вақф борасида ҳам қарашлари мавжуд бўлган. Лойиҳанинг “Вақф ерларига” бағишланган махсус қисмида вақф соҳасидаги мавжуд масалаларни қамраб олган эди. Улар “*илм йўлинда тайин қилинғон вақф ерлари билан Бухоро ўлкаси бутун ўлкалардан устундир*”, дея вақфнинг жамиятдаги аҳамиятини алоҳида эътироф этганлар. Вақф даромадлари адолатли тарзда сарф этилса, “*... Бухоро ўлкаси илм ва маориф юзиндан Оврўпонинг буюк шаҳарларидан ортуқроқ*” тараққий этишини таъкидлайдилар. Шу боис лойиҳада вақф соҳасини буткул ислоҳ қилиш, уни

тизимлаштириш, вақф ишлари бўйича вазирлик ташкил этиш таклифлари киритилган бўлиб, мазкур идора вақф даромадлари, сарф-харажатларини назорат қилиши лозим эди: “*Бухорода бир вақфлар вазирлиғи очилсун. Онгли, билимли бир киши вақфлар вазири бўлсун. Бутун вақф ишлари шунга топширулсун. Бу кунго ҳукумат хазинасиға кирган мозодалар, ботил бўлғон кутубхоналар, таҳоратхоналар, ошхоналарнинг вақфлари қайтарилсун. Вақфлар вазири шул вақфларни шариат юзиндан тартибға солиб шаръий ерларинда сарф қилсун. Вақфлар хазинаси очилсун. Бутун вақф оқчаларини ўзи териб олуб хазинасиға тўплосун*” [7: 15–16].

Шу ўринда савол туғилади: ёш бухороликларнинг амирликдаги вақфлар бўйича фикрлари қанчалик асосли бўлган? Таъкидлаш жоизки, дунёнинг бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам вақф соҳасида турли ислоҳотлар ўтказилиб, анъанавий вақф мулкчилигини янги барпо этилаётган жамият талабларига мослаштириш учун ҳаракатлар амалга оширилаётган бир давр эди [20: 262–380]. Бундан ташқари, ягона хазинага йиғилган вақф даромадларини давлат аҳамиятига молик йирик лойиҳаларга молиялаштириш имконияти ҳам кенгаяр эди. Шу жиҳатдан, ёш бухороликларнинг бу борадаги ҳаракатларини ер-сув муносабатлари, дин ва таълим тизими, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси сингари ижтимоий-иқтисодий масалалар доирасида вақф мулкчилигини ҳам тартибга солишга интилиш деб баҳолаш мумкин. Бироқ ўлкада рўй берган кескин сиёсий воқеалар ушбу ислоҳотни амалга ошишига йўл қўймади.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, мусулмон жамиятининг ривожи, уни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил топган ҳамда асрлар давомида шаклланган вақф мулкчилиги XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига чуқур кириб, мулкчиликнинг муҳим турига айланган эди. Мазкур даврдаги вақф мулкчилиги ҳолати бевосита минтақада кечган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Россия империяси билан тузилган ўзаро сулҳ битимлари, амирлик катта ҳудудларининг қўлдан кетиши, ҳамда муҳим сув манбаи бўлган Зарафшон дарёси назоратининг руслар қўлига ўтиши, қолаверса, минтақанинг пахта етиштиришга мослаштириб борилиши бевосита вақф мулкчилиги нуқтаи назаридан қараганда ер-сув танқислиги, вақф

мулклари даромадидан фойдаланишнинг қийинлашиши, таъминотсиз қолган кўплаб масжид-мадрасаларнинг қаровсиз ҳолга келиб, давлат тасарруфига ўтиб кетиши сингари жиддий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абашин С.Н. Ислам в бюрократической практике царской администрации Туркестана // Сборник Русского Исторического Общества. Москва, 2003. № 7. С. 163–191.
2. Алимов И. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йиллар). Тошкент, 2009.
3. Амир Саййид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи / Форсийдан таржима, муқаддима ва изоҳлар муаллифи Абдусодиқ Ирисов. Тошкент, 1991.
4. Аҳмад Дониш. Рисола ёҳуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи / Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қиёмиддин Йўлдошев. Тошкент, 2014.
5. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т.2. Москва, 1964.
6. Бухородаги янгилик // Туркистон вилоятининг газети. 1911. № 26.
7. Бухорода ислоҳот лойиҳаси (1918 йил) / Сўзбоши, матн табдили ва илмий изоҳлар муаллифлари Б. Маннонов, Г. Остонова, Ш. Камолиддин. Тошкент, 2005.
8. Вяткин В.Л. О вакуфах Самаркандской области. Справочная книжка Самаркандской области. Вып.X. Издание Самаркандскаго Областного Статистическаго Комитета. Самарканд, 1912.
9. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. Москва, 1970.
10. Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти. Тошкент, 2021.
11. Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) / Тарих фан. б. фалс. докт. (PhD) ... дисс. автореф. Тошкент, 2019.
12. Кутбаев З.А. К истории вакуфных владений Ходжа Ахрара и его потомков / Автореф. дисс... канд. ист. наук. Ташкент, 1970.

13. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими / Перевод с персидского, вводная статья и примечания: Н.К. Норкулов. Ташкент, 2009.
14. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадимги даврдан то XX аср бошларигача). Тошкент, 1972.
15. Мухамедов Ш.Б. Историко-источниковедческий анализ государственного регулирования ислама Российской империей в Туркестане (1864–1917). Ташкент, 2013.
16. Мухамедов Ш.Б. Россия и Средняя Азия: страницы истории, личности, мнения. Ташкент, 2020.
17. Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “ожиз” ҳукмдор // “Бухоро мавжлари” журнали. Бухоро, 2007. № 2. Б. 336–338.
18. Саййид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги / Тарж. Ҳ. Тўраев. Бухоро, 2004.
19. Чехович О.Д. Бухарские поземельные акты XVI–XIX вв. // Проблемы источниковедения, IV. Москва, 1955.
20. Шлыков П.В. Вакфы в Османской империи XVIII – начала XX в.: кризис развития традиционного института и пути его “обновления” // Pax Islamica. 2012. № 1–2 (8–9).
21. Холиқова Р. Россия–Бухоро: тарих чорраҳасида. Тошкент, 2005.
22. Ястребова О.М. Документы 19 века из верховьев реки Зеравшан в отделе рукописей Российской Национальной Библиотеки. Восточный сборник. Вып.6. Сакнт–Петербург, 2003.
23. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т 3. Тошкент, 2002.
24. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.5. Тошкент, 2002.
25. ЎзМА, И-2-фонд, 1-рўйхат, 251-йиғмажилд.
26. ЎзМА И-3-фонд, 2-рўйхат, 1-йиғмажилд.
27. ЎзМА И-3-фонд, 2-рўйхат, 549-йиғмажилд.
28. ЎзМА, И-5-фонд, 1-рўйхат, 3442-йиғмажилд.
29. ЎзМА И-126-фонд, 1-рўйхат, 1139-йиғмажилд.
30. ЎзМА, И-323, 1-рўйхат, 330-йиғмажилд.
31. ЎзМА, И-323, 1-рўйхат, 410/1-йиғмажилд.
32. ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 854-йиғмажилд.
33. ЎзМА, И-323-фонд, 1-рўйхат, 877-йиғмажилд.

Н. Исматова

Россия империяси мустамлакачилиги даврида Бухоро амирлигида вақф мулкчилигининг ҳолати ва хусусиятлари

Мақолада XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги вақф мулкчилиги ҳолати тадқиқ этилаётган давр нуқтаи назаридан ёритилган. Хусусан, Бухоро амирлигининг Россия империяси томонидан протекторатга айлантириши ва бунинг оқибатида вақф мулкчилиги тизимида, вақфга бериладиган ерлар ҳажмида содир бўлган ўзгаришларга эътибор қаратилган. Муқаддас мулк, вақф мулки дахлсизлиги сингари тушунчаларнинг трансформацияга учраганлиги мавжуд маҳаллий манбалар ҳамда тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган. Мақола доирасида Бухоро амирларининг вақф соҳасида олиб борган ишлари юзасидан ҳам маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, Туркистон генерал-губернаторлигида XIX асрнинг 90-йилларида бошланган вақфларни тафтиш қилиш амалиётининг амирлик вақф муносабатларига таъсири борасида ҳам мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: *Бухоро амирлиги, вақф мулкчилиги, Россия империяси, Туркистон генерал-губернаторлиги, Россия императори сиёсий агентлиги, вақф ерлари, мутавалли, Ёш бухороликлар.*

Н. Исматова

Состояние и особенности вакфного имущества в Бухарском Эмирате в колониальный период Российской империи

В статье с точки зрения исследуемого периода освещается состояние вакфного имущества в Бухарском Эмирате во второй половине XIX – начале XX века. В частности, акцентируется внимание на превращение Бухарского эмирата в протекторат Российской империи и связанных с этим изменений в системе владения вакфом, и количестве земли, отдаваемой в вакф. На основе местных источников и исторических документов проанализирована трансформация таких понятий, как сакральное имущество и неприкосновенность вакфной собственности. В статье также

приводятся сведения о деятельности правителей Бухары в сфере вакф. Также рассмотрены вопросы про влияние практики ревизий вакфов, начавшихся в 90-х годах XIX века в Туркестанском генерал-губернаторстве, на вакфных отношениях в Бухарском эмирате.

Ключевые слова: *Бухарский эмират, вакфное имущество, Российская империя, Туркестанское генерал-губернаторство, Российское императорское политическое агенство, вакфные земли, мутавалли, Молодые бухарцы.*

N. Ismatova

The Condition and Features of Waqf Property in the Bukharan Emirate during the Colonial Period of Russian Empire

The article sheds light on the conditions of waqf property of the Bukharan Emirate from the second half of the 19th century to the beginning of the 20th century. . The study is focused on the transformation of the Emirate into a “protectorate” by Russian Empire, which resulted in changes in waqf ownership system, and the amount of land designated as waqf. The transformation of concepts such as sacred property and protection of waqf property has been analyzed on the basis of local sources and historical documents. Additionally, the article provides information about the activities of Bukhara Emirs in the field of waqf. Furthermore, it discusses the impact of the inspecting practice of awqāf which started in the 1890s in the General Governorship of Turkestan.

Key words: *Bukharan Emirate, waqf property, Russian Empire, Turkestan General Governorship, Russian Imperial Political Agency, waqf lands, mutawallī, Young Bukharans.*

Бизнинг авторлар

1. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, ЎзРФА вице-президенти
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусратович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими.
6. **Каримов Шерзод Шавкат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти бўлим мудири.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – тарих фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти катта илмий ходими.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – тарих фанлар номзоди, Самарқанд Давлат университети тарих факултети тарихшунослик ва манбашунослик кафедрасининг доценти
10. **Разаков Фаррух Абдумўминович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

11. **Разакова Мавжуда Саттаровна –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, картотека бўлими мудири.
12. **Таниева Гулдона Мамановна** – тарих фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти.
13. **Тошев Солижон Аҳмаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшқабулович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.

Наши авторы

1. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, вице-президент АН РУз.
2. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института Востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Ибрагимов Фахриддин Нусротович** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан.
5. **Исматова Наргиза Адхамовна** – доктор философсик наук (PhD) по истории, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримов Шерзод Шавкат угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Пуговкина Оксана Геннадьевна** – кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института Истории Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Раджабова Дилора Назаровна** – кандидат исторических наук, доцент кафедры историографии и источниковедения исторического факультета Самаркандского государственного университета.

10. **Разаков Фаррух Абдумумнович –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Разакова Мавжуда Саттаровна** – кандидат исторических наук, заведущий отделом картотеки Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистана.
12. **Таниева Гулдана Мамановна** – доктор исторических наук, доцент Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
13. **Тошев Соледжон Ахмаджонович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Файзуллаев Фаррух Эшкабулович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bakhrom A. Abdukhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, Director of the Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Sciences, vice-present UzAS.
2. **Dilora N. Radjabova** – Candidate of Historical Sciences, Associate Professor of the Department of the Historiography and Source Studies, history faculty Samarkand state university
3. **Farrux A. Razakov** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Farrux E. Fayzullayev**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Faxriddin N. Ibragimov** – Senior scientific researcher of Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
6. **Guldona M. Taniyeva** – DSc, dotsent of the Tashkent Pedagogical University name after Nizami.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher at the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mavjuda S. Razakova** – Candidate of Historical Sciences, Head the filing department, institute of oriental Abu Rayhan al-Biruni Academician of the Academy of Sciences of the Respublik of Usbekistan.
9. **Nargiza A. Ismatova**– Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Natalya E. Karimova** – Doctor of Science (in History), Professor, head of the department of Abu Raykhan Beruni Institute of Oriental Studies, Uzbekistan Academy of Science.
11. **Oksana G. Pugovkina** – Senior Research Fellow, Institute of History Academy of Sciences of Uzbekistan.

12. **Sherzod Sh. Karimov**– Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Shoira M**. **Akramova** – Junior Researcher of Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
14. **Solejon A. Toshev** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.